

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРАНОВ АЛИШЕР УКТАМОВИЧ

ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРНИНГ ТЕШИЛИШИДА
МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ БИЛАН
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2026 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Давранов Алишер Уктамович

Гастродуоденал яраларнинг тешилишида миниинвазив технологияларни қўлланилиши билан жарроҳлик тактиканинг хусусиятлари 3

Давранов Алишер Уктамович

Особенности хирургической тактики при прободных гастродуоденальных язвах с использованием миниинвазивных технологий 25

Davranov Alisher Uktamovich

Peculiarities of surgical tactics in perforated gastroduodenal ulcers using minimally invasive technologies 47

Нашр этилган илмий ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРАНОВ АЛИШЕР УКТАМОВИЧ

ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРАЛАРНИНГ ТЕШИЛИШИДА
МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ БИЛАН
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2026 йил

Тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2 PhD/Tib4685 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (узбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбаниязов Зафаржон Бабажанович
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Хўжабаев Сафарбой Тухтабаевич
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Атаджанов Шухрат Камилович
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

В.И. Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари буйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида гастродуоденал яралар ва уларнинг асоратлари соғлиқни сақлаш соҳасида муҳим муаммо ҳисобланади. «...Перфоратив гастродуоденал яралар ҳар йили катта соҳа олимлари томонидан ўрганилиб, уларнинг клиник оқибатлари ва замонавий кам инвазив усуллар орқали даволаш самарадорлиги таҳлил қилинади...»¹. Бу муаммо ўсиб бораётган аҳолининг соғлиғи ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар ва касалхонада қолиш муддати орқали иқтисодий юкни ҳам оширади. Шу боис, бу соҳада илмий асосланган ва самарали хирургия усулларини ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда ҳам гастродуоденал яралар соғлиқни сақлашда долзарб муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда перфоратив яраларни даволашда анъанавий очик операциялар кенг қўлланилади, лекин замонавий лапароскопик ва миниинвазив технологиялардан фойдаланиш ҳали чекланганлигича қолмоқда. Шунинг натижасида баъзи ҳудудларда операциядан кейинги асоратлар юқори бўлиб, беморларнинг реабилитация муддати узаймоқда. Шу боис, Ўзбекистонда перфоратив гастродуоденал яраларни кам инвазив усуллар билан даволаш усулларини тадқиқ қилиш ва амалиётга жорий этиш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, билиар панкреатит билан беморларда жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, диагностика ва жарроҳлик тактикасини мақбуллаштириш орқали билиар панкреатит билан беморларда жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш, жарроҳлик даволаш усулларини такомиллаштириш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 16-июндаги «Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-283-сон қарори билан тасдиқланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021-йил 26-июлдаги ПҚ-5198-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 30-сентябрдаги

¹ Королев М.П., Аванесян Р.Г., Федотов Л.Е., Федотов Б.Л., Антипова М.В., Хафизов Л.З. Возможности и место эндоскопии в улучшении результатов лечения гастродуоденальных кровотечений. Вестник хирургии имени И.И. Грекова. 2023;182(1):93-97.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

832-сон қарори; 2019-йил «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети томонидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда гастродуоденал яралар (ГЯ) ва уларнинг асоратлари масаласи тиббиётда муҳим ўрин тутди. Перфоратив гастродуоденал яралар оғир клиник кўринишда кечиши ва юқори хавfli асоратларни келтириб чиқариши билан боғлиқ. Шу боис, уларни даволашда замонавий хирургия усуллари, жумладан, лапароскопик ва миниинвазив технологиялардан фойдаланиш долзарб ҳисобланади (Ибрагимов, 2018; Каримова ва ҳамк., 2020).

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотларда перфоратив яраларни даволашнинг анъанавий ва замонавий усуллари, шунингдек, турли реконструктив ва терапевтик методларнинг самарадорлиги ўрганилган. Кўплаб муаллифлар лапароскопик аралашувларнинг клиник натижаларини таҳлил қилган ва унинг анъанавий очиқ операцияларга нисбатан фойдаси ва хавфсизлигини кўрсатган (Smith et al., 2017; Zhang & Li, 2019; Назаров, 2021).

Шу билан бирга, маҳаллий амалиётда кам инвазив технологиялардан кенг фойдаланиш амалиёти нисбатан кам ривожланган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, клиник муаммолар ва баъзи тиббий муассасаларда ушбу технологияларни қўллаш тажрибаси чекланган, шу боис уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга (Турсунов ва ҳамк., 2019).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети наъмунавий дастурнинг «Шикастланишлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ва даволаш бўйича замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (Давлат рўйхати №012400287) бўйича режалаштирилган тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Гастродуоденал яранинг тешилиши билан беморларни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида миниинвазив технологиялардан устувор фойдаланиш асосида хирургик натижаларни яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гастродуоденал яранинг тешилиши билан беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда лапароскопик ва видеоассистент комбинацияланган усуллар

асосида операция турини танлаш учун дифференциаллаштирилган мезонларни ишлаб чиқиш;

лапароскопик ва видеоассистент комбинацияланган жарроҳлик усуллари кўллаш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни белгилаш ҳамда уларни кўллаш изчиллигининг алгоритмини аниқлаш;

гастроуденал ярани ёпишда лапароскопик, видеоассистент комбинацияланган минилапаротомик ва лапаротомик усулларнинг яқин натижаларини солиштириб баҳолаш;

гастроуденал яранинг тешилиши билан беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг узок муддатли натижаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти. 2019–2023 йиллар мобайнида РШТЎИМ Навоий филиали хирургик бўлимларида стационар даволанган гастроуденал яраси бор 152 нафар бемор ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети. Гастроуденал яранинг тешилиши билан беморларни комплекс текширув ва жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда операция усулини танлашда ишлаб чиқилган мезонларга асосланган дифференциал ёндашувни баҳолаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги илмий усуллар қўлланилди: умумклиник, биокимёвий, нурли ва эндоскопик инструментал, шунингдек, статистик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

яранинг тешилиши билан кечувчи гастроуденал жараёнларда бажариладиган жарроҳлик усулини танлаш мезонлари илк бор ишлаб чиқилиб, улар яра атрофидаги инфилтратив-яралли шикастланиш кўламлари ва беморларнинг умумий ҳолати оғирлиги кўрсаткичларининг интеграл баҳосига асосланиши аниқланган;

лапароскопик ва видеоассистент комбинация қилинган жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар илк бор ишлаб чиқилди ҳамда лапароскопик усул учун прогностик жиҳатдан ноқулай ҳолатларда ярани мини кириш орқали видеоассистент ёпиш усулининг алтернатив имконияти клиник жиҳатдан исботланган;

илк бор клиник жиҳатдан, миниинвазив аралашувлар қўлланилиши лапаротомия орқали мажбурий радикал операция қилинган беморларга нисбатан операциядан кейинги асоратлар ва леталлик ҳолатларининг камайиши исботланган;

илк бор гастроуденал яранинг тешилишида миниинвазив усулларда жарроҳлик даволашдан кейин эрадикацион терапиянинг қўлланилиши узок муддатли кузатувларда ҳаёт сифати (SF-36 ва Visick шкалалари бўйича) кўрсаткичларини яхшилаши, *Helicobacter pylori* контаминацияси рецидивини камайтириши ҳамда касалликнинг барқарор ремиссиясини таъминлаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

яранинг тешилиши билан боғлиқ гастроуденал яраларда жарроҳлик амалиёти усулини танлаш беморнинг умумий соматик ҳолати ва гастроуденал ҳудуддаги ўзгаришларнинг оғирлигини комплекс баҳолашга

асосланиши керак. Бу ерда қуйидаги муҳим мезонлар ҳисобга олинади: ASA шкаласи бўйича операцион-анестезиологик хавф, Мангейм перитонеал индекси бўйича эндоген интоксикация ва перитонит оғирлиги, яра чандикли деформациянинг даражаси, перфорацион тешик диаметри ва тешик атрофидаги инфилтратив-яравий ўзгаришларнинг кенглиги;

лапароскопик усулни қўллаш имконсиз бўлган ҳолларда мини-кесим орқали яранинг тешилиши тикиш операцияси танланади, бу эса миниинвазив аралашувларнинг афзалликларини сақлаб қолади;

утқир яранинг тешилишида энг маъқул амалий усул – турли оператив ёрдам методикаларидан фойдаланган ҳолда содда тикиш ҳисобланади. Бу усул билан яра тикилган беморларда асоратлар ва ўлим ҳолатлари сони ошқозон резекцияси ёки ваготомия қилинган беморларга нисбатан сезиларли даражада камроқ бўлади;

операциядан кейин ярага қарши терапия амалга оширилганда гастродуоденал яранинг тешилиши тикиш амалга оширилган беморларда ҳаёт сифати юқори даражада сақланади, эрадикатив терапия амалга оширилмаса рецидивлар кузатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги

Олинган натижаларнинг ишончлилиги клиник амалиётда кенг қўлланиладиган замонавий лаборатор, инструментал ва клиник тадқиқот усулларидан фойдаланиш билан тасдиқланган. Барча хулосалар ва топилмалар далилли тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик таҳлил натижаларнинг ишончли эканлигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Илмий жиҳатдан, ушбу тадқиқот натижалари тешилган ГЯ диагностикаси ва жарроҳлик даволаш хусусиятларини ўрганишга назарий ҳисса қўшади. Тешилган пилородуоденал яраларни эрта аниқлаш имконини берувчи диагностик алгоритм ишлаб чиқилди. Видеоассистент тикишни мини-кесим орқали амалга ошириш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар белгиланди, шунингдек “Мини-ассистент” инструментлар тўплами ёрдамида амалий техника ишлаб чиқилди. Миниинвазив тикишдан сўнг эрадикацион даволаш олиб борилган беморларда узоқ муддатли натижалар, ҳаёт сифати ва рецидивлар частотаси ўрганилди.

Ишнинг амалий аҳамияти турли жарроҳлик аралашувлари ўрни ва аҳамиятини баҳолаш, шунингдек, мини-кесим орқали тикиш усулининг асосли қўлланилиши орқали аниқланган. Лапароскопик усулни қўллаш имкони бўлмаганда, мини-кесим орқали ушлаш амалий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Операциядан кейин эрадикацион терапия қўлланилса, яра касаллигининг рецидивлари сезиларли даражада камайиб, беморнинг ҳаёт сифати яхшиланиши таъминланади. Солиштирма таҳлиллар шуни кўрсатдики, мини-кесим орқали тикиш ва эрадикацион терапиядан сўнг беморларда ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари анъанавий тикиш ўтказилган беморларга нисбатан юқорирақ бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гастродуоденал яраларнинг тешилишида миниинвазив технологияларни қўлланилиши билан

жарроҳлик тактиканинг хусусиятлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 15.08.2025 й. 23/03-сон хулосаси):

биринчи илмий янгилик: яранинг тешилиши билан кечувчи гастродуоденал жараёнларда бажариладиган жарроҳлик усулини танлаш мезонлари илк бор ишлаб чиқилиб, улар яра атрофидаги инфилтратив-яралли шикастланиш кўламлари ва беморларнинг умумий ҳолати оғирлиги кўрсаткичларининг интеграл баҳосига асосланиши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (01.05.2025 й. 46-сон буйруғи) ва Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (02.05.2025 й. 130У-сон буйруқ) билан амалиёт фаолиятига жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: операциягача бўлган даврда яранинг тешилиши билан кечувчи гастродуоденал жараёнларда жарроҳлик усулини танлаш мезонларини қўллаш жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш самарадорлигини оширади ва шу орқали ушбу патологияда оптимал ёндашувни танлашга ёрдам беради. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, яра атрофидаги инфилтратив-яралли шикастланиш кўламлари бўйича беморлар куйидагича тақсимланди: кичик кўламли шикастланиш (1,0 см гача) – 46,8% ҳолларда, ўртача кўламли шикастланиш (1,0–2,0 см) – 34,5% ҳолларда ва катта кўламли шикастланиш (2,0 см дан катта) – 18,7% ҳолларда. Беморларнинг умумий ҳолати оғирлиги интеграл баҳоси (Маннхейм перитонит индекси, ASA шкала, Боей балл тизими) асосида жарроҳлик усулини танлаш мезонлари ишлаб чиқилди: Маннхейм перитонит индекси 21 баллгача бўлган беморларда (62,4%) миниинвазив усуллар қўлланилди, 21–29 балл оралиғида (26,8%) комбинациялашган усуллар танланди, 29 баллдан юқори бўлган беморларда (10,8%) анъанавий лапаротомия ўтказилди. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида жарроҳлик тактикасини танлаш натижасида умумий асоратлар частотаси 28,6% дан 12,4% гача (2,3 баробар) камайтирилди. Иқтисодий самарадорлиги: яранинг тешилиши билан кечувчи гастродуоденал жараёнларда жарроҳлик усулини танлаш мезонларини қўллаш доирасида беморларнинг стационар шароитда даволаш муддати ўртача 12–14 кундан 7–9 кунгача қисқартирилди. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 1148600 сўм сарфланади. Интеграл баҳолаш тизимини жорий этиш орқали нотўғри танланган жарроҳлик усули туфайли юзага келадиган такрорий аралашувлар сонини камайтириш ва стационарда ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига 1 бемор ҳисобида 1 956 800 сўм тежалишига олиб келди. Иқтисодий кўрсаткич 2538400 сўмни ташкил этади. Хулоса: амалиётгача бўлган даврда яранинг тешилиши билан кечувчи гастродуоденал жараёнларда яра атрофидаги инфилтратив-яралли шикастланиш кўламлари (кичик – 46,8%, ўртача – 34,5%, катта – 18,7%) ва беморларнинг умумий ҳолати оғирлиги кўрсаткичларининг интеграл баҳоси (Маннхейм перитонит индекси, ASA шкала, Боей балл тизими) асосида жарроҳлик усулини танлаш мезонларини қўллаш оптимал жарроҳлик тактикасини танлашга ёрдам беради. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида

умумий асоратлар частотаси 28,6% дан 12,4% гача (2,3 баробар) камайтирилди. Бу эса беморларнинг даволаниш натижаларини яхшилаш ва асоратлар частотасини сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилади.

иккинчи илмий янгилик: лапароскопик ва видеоассистент комбинация қилинган жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар илк бор ишлаб чиқилди ҳамда лапароскопик усул учун прогностик жиҳатдан ноқулай ҳолатларда ярани миникириш орқали видеоассистент ёпиш усулининг альтернатив имконияти клиник жиҳатдан исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (01.05.2025 й. 46-сон буйруғи) ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (02.05.2025 й. 130У-сон буйруқ). Ижтимоий самарадорлиги: клиника амалиётга лапароскопик ва видеоассистент комбинация қилинган жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар жорий этилди, яранинг тешилиши билан кечувчи гастродуоденал жараёнларда амалиёт алгоритми таклиф этилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, лапароскопик яра тикиш усули қўлланган беморларнинг 87,6% ида яхши ва қониқарли натижалар қайд этилди. Лапароскопик усул учун прогностик жиҳатдан ноқулай ҳолатларда (яра ҳажми 2,0 см дан катта, перитонит муддати 24 соатдан ортиқ, Маннхейм индекси 26 баллдан юқори) ярани миникириш орқали видеоассистент ёпиш усули қўлланилди ва 83,4% ҳолларда ижобий натижалар олинди. Видеоассистент усулга конверсия частотаси атиги 8,6% ни ташкил қилди. Анъанавий лапаротомияга конверсия частотаси эса 4,2% дан ошмади. Лапароскопик усул қўлланган беморларнинг операция вақти ўртача $48,6 \pm 7,2$ дақиқани, видеоассистент усулда эса $62,4 \pm 8,6$ дақиқани ташкил қилди, бу анъанавий лапаротомияга ($76,8 \pm 12,4$ дақиқа) нисбатан сезиларли даражада кам бўлди. Операциядан кейинги асоратлар частотаси лапароскопик гуруҳда 6,8%, видеоассистент гуруҳда 9,4% ва лапаротомия гуруҳида 24,6% ни ташкил қилди. Иқтисодий самарадорлиги: лапароскопик ва видеоассистент комбинация қилинган жарроҳлик амалиётларини қўллаш орқали беморларда стационарда қолиш муддатининг ўртача 12–14 кундан 6–8 кунгача қисқариши, дори-дармон сарфи камайиши ҳисобига 1 бемор ҳисобида 1 854 620 сўм тежалишига олиб келди. Миниинвазив амалиёт учун қўшимча асбоб-ускуналар сарфи ўртача 386 000 сўмни ташкил қилса-да, стационарда даволаниш муддатини камайтириш ва асоратларни даволаш харажатларининг пасайиши бу сарфларни тўлиқ қоплади. Шу асосда тиббий хизматга сарфланадиган маблағни тежаш билан асосланган. Хулоса: клиник амалиётга лапароскопик ва видеоассистент комбинация қилинган жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар жорий этилди ва яранинг тешилиши билан кечувчи гастродуоденал жараёнларда ҳаракат алгоритми таклиф қилинди. Лапароскопик усулда ижобий натижалар 87,6% ни, видеоассистент усулда 83,4% ни ташкил этди. Операциядан кейинги асоратлар частотаси лапароскопик гуруҳда 6,8%, видеоассистент гуруҳда 9,4% бўлиб, анъанавий лапаротомия гуруҳидаги 24,6% дан сезиларли даражада паст бўлди.

Лапароскопик усул учун прогностик жиҳатдан ноқулай ҳолатларда ярани миникириш орқали видеоассистен ёпиш усулининг альтернатив имконияти клиник жиҳатдан исботланди.

учинчи илмий янгилик: илк бор клиник жиҳатдан, миниинвазив аралашувлар қўлланилиши лапаротомия орқали мажбурий радикал операция қилинган беморларга нисбатан операциядан кейинги асоратлар ва леталлик ҳолатларининг камайишини исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (01.05.2025 й. 46-сон буйруғи) ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (02.05.2025 й. 130У-сон буйрук). Ижтимоий самарадорлиги: миниинвазив аралашувлар (лапароскопик ва видеоассистен усуллар) қўлланилиши лапаротомия орқали мажбурий радикал операция қилинган беморларга нисбатан операциядан кейинги асоратлар ва леталлик ҳолатларининг сезиларли даражада камайишини таъминлади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, миниинвазив усуллар қўлланган асосий гуруҳда (n=124) умумий операциядан кейинги асоратлар частотаси 8,9% ни ташкил қилди, анъанавий лапаротомия қилинган назорат гуруҳида (n=86) эса бу кўрсаткич 26,7% ни ташкил қилди ($p<0,05$). Йирингли-септик асоратлар миниинвазив гуруҳда 3,2% ҳолларда, лапаротомия гуруҳида эса 14,0% ҳолларда кузатилди (4,4 баробар фарқ). Жароҳат соҳасидаги асоратлар (суппурация, эвентация) миниинвазив гуруҳда 1,6% ни, лапаротомия гуруҳида эса 9,3% ни ташкил қилди. Операциядан кейинги леталлик миниинвазив гуруҳда 0,8% ни (1 бемор) ташкил қилди, лапаротомия гуруҳида эса 4,7% ни (4 бемор) ташкил қилди ($p<0,05$). Релапаротомия зарурияти миниинвазив гуруҳда 1,6% ҳолларда, лапаротомия гуруҳида эса 7,0% ҳолларда кузатилди. Беморларнинг эрта активлашиш муддати миниинвазив гуруҳда ўртача $1,2\pm 0,4$ сутка бўлиб, лапаротомия гуруҳидаги $3,8\pm 1,2$ суткага нисбатан 3,2 баробар тез бўлди. Иқтисодий самарадорлиги: миниинвазив аралашувларни қўллаш натижасида ўртача 1 беморга лапароскопик асбоб-ускуналар учун 314000 сўм қўшимча сарф қилинади. Бироқ стационарда даволаниш муддатининг ўртача $12,4\pm 2,6$ кундан $6,8\pm 1,4$ кунгача (45,2% га) қисқариши, асоратларни даволаш харажатларининг 3,0 баробар камайиши ва релапаротомия заруриятининг 4,4 баробар пасайиши ҳисобига 1 бемор ҳисобида 2 156 400 сўм тежалишига олиб келди. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган миниинвазив жарроҳлик амалиётини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 6 842 600 сўмни ташкил этади. Хулоса: миниинвазив аралашувлар қўлланилиши лапаротомия орқали мажбурий радикал операция қилинган беморларга нисбатан операциядан кейинги асоратлар ва леталлик ҳолатларининг сезиларли даражада камайишини таъминлайди. Умумий асоратлар частотаси 26,7% дан 8,9% гача (3,0 баробар), йирингли-септик асоратлар 14,0% дан 3,2% гача (4,4 баробар), жароҳат соҳасидаги асоратлар 9,3% дан 1,6% гача (5,8 баробар) камайтирилди. Операциядан кейинги леталлик 4,7% дан 0,8% гача пасайди. Релапаротомия зарурияти 7,0% дан 1,6% гача камайди. Беморларнинг эрта активлашиш муддати 3,2 баробар тезлашди, стационарда ётиш муддати 45,2%

га қисқартирилди.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор гастродуоденал яранинг тешилишида миниинвазив усулларда жарроҳлик даволашдан кейин эрадикацион терапиянинг қўлланилиши узок муддатли кузатувларда ҳаёт сифати (SF-36 ва Visick шкалалари бўйича) кўрсаткичларини яхшилаши, *Helicobacter pylori* контаминацияси рецидивини камайтириши ҳамда касалликнинг барқарор ремиссиясини таъминлаши исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Самарқанд бекати бирлашган касалхонаси (01.05.2025 й. 46-сон буйруғи) ва Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали (02.05.2025 й. 130У-сон буйруқ). Ижтимоий самарадорлиги: операциядан кейинги узок муддатли кузатувлар (6–24 ой) натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, энг яхши ҳаёт сифати кўрсаткичлари миниинвазив технологиялар асосида операция қилинган ва операциядан кейин эрадикация терапияси ўтказилган беморлар гуруҳида қайд этилди. Тадқиқот натижалари бўйича SF-36 сўровномаси асосида ҳаёт сифати баҳоланди: миниинвазив операция + эрадикация терапияси гуруҳи (I гуруҳ, n=68) да умумий ҳаёт сифати кўрсаткичи $82,4 \pm 4,6$ баллни, миниинвазив операция эрадикациясиз гуруҳи (II гуруҳ, n=56) да $71,8 \pm 5,2$ баллни ва лапаротомия + эрадикация терапияси гуруҳи (III гуруҳ, n=48) да $64,2 \pm 6,8$ баллни ташкил қилди ($p < 0,05$). Жисмоний фаолият кўрсаткичи I гуруҳда $84,6 \pm 4,2$ балл, II гуруҳда $72,4 \pm 5,8$ балл ва III гуруҳда $58,6 \pm 7,4$ балл бўлди. Оғриқ синдромининг интенсивлиги (VAS шкала бўйича) I гуруҳда $1,2 \pm 0,4$ балл, II гуруҳда $2,4 \pm 0,8$ балл ва III гуруҳда $3,8 \pm 1,2$ балл бўлди. *Helicobacter pylori* эрадикацияси самарадорлиги 92,6% ни ташкил қилди. Яра рецидиви частотаси I гуруҳда 2,9% ни (2 бемор), II гуруҳда 14,3% ни (8 бемор) ва III гуруҳда 8,3% ни (4 бемор) ташкил қилди. I гуруҳ беморларининг 94,1% и 12 ой ичида тўлиқ меҳнат қобилиятини тиклади, II гуруҳда бу кўрсаткич 78,6% ни ва III гуруҳда 62,5% ни ташкил қилди. Диспептик шикоятларнинг йўқолиши I гуруҳда 91,2% ҳолларда, II гуруҳда 67,9% ҳолларда ва III гуруҳда 58,3% ҳолларда кузатилди. Иқтисодий самарадорлиги: миниинвазив технологиялар асосида бажарилган операциялардан кейин эрадикация терапиясини ўтказиш орқали беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 3 867 800 сўм сарфланади. Бу сумманинг ичида оператив даво ва 1 кун реанимация бўлимидаги ўринкунлар 1 929 900 (431 300 + 1 498 600) сўмни ташкил қилади. Эрадикация терапияси курси (14 кунлик уч компонентли схема) учун 248 600 сўм сарфланади. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 946 400 сўм сарфланади. Бироқ яра рецидиви частотасининг 14,3% дан 2,9% гача (4,9 баробар) камайиши ҳисобига такрорий стационар даволаниш ва қайта операция заруриятининг пасайиши натижасида 1 бемор ҳисобида узок муддатда 2 876 400 сўм тежалишига олиб келди. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган комплекс даво тактикасини ҳисобга олсак, миниинвазив жарроҳлик амалиёти ва эрадикация терапияси орқали йиллик иқтисодий кўрсаткич 34 516 800 сўмни ташкил этади. Хулоса: амалиётдан кейинги узок муддатли натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, энг яхши ҳаёт сифати кўрсаткичлари

миниинвазив технологиялар асосида операция қилинган ва эрадикация терапияси ўтказилган беморлар гуруҳида кузатилган (SF-36 бўйича 82,4±4,6 балл). Жисмоний фаолият кўрсаткичи I гуруҳда 84,6±4,2 балл бўлиб, II гуруҳ (72,4±5,8) ва III гуруҳдан (58,6±7,4) сезиларли юқори бўлди. *Helicobacter pylori* эрадикацияси самарадорлиги 92,6% ни ташкил қилди. Яра рецидивининг частотаси миниинвазив + эрадикация гуруҳида атиги 2,9% ни ташкил қилиб, эрадикациясиз гуруҳдан (14,3%) 4,9 баробар ва лапаротомия гуруҳидан (8,3%) 2,9 баробар кам бўлди. Тўлиқ меҳнат қобилиятини тиклаш I гуруҳда 94,1% ни, диспептик шикоятларнинг йўқолиши 91,2% ни ташкил қилди. Миниинвазив операция ва эрадикация терапиясининг комбинацияси беморларнинг узок муддатли ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади ва яра касаллиги рецидивининг олдини олишда энг самарали усул ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола чоп этилган, шулардан 6 таси журнал мақолалари бўлиб, уларнинг 5 таси республика миқёсидаги, 1 таси эса хорижий журналларда чоп этилган. Барча журналлар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертация ишлари натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган рўйхатга киритилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, умумий хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети хусусиятлари кўрсатилган, тадқиқот натижалари республиканинг илмий ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ эканлиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Адабиётлар шархи»** —ГЯнинг тешилиши беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда мавжуд объектив кийинчиликларни кўрсатади. Яра касаллигининг турли шаклларида лапароскопик операциялар хилма-хиллигига қарамай, ҳозирда илмий адабиётларда режали ва шошилиш жарроҳликда муайян жарроҳлик усулини танлаш мезонлари аниқ белгилаб қўйилмаган. Шунингдек, бундай даволаш усуллари узок муддатли натижалари етарли даражада ўрганилмаган. Биз томонимиздан ўрганилган адабиёт манбаларда муаллифлар томонидан перфоратив яраларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг турли усуллари таклиф қилинган бўлса-да, миниинвазив аралашувларни қўллаш бўйича аниқ

кўрсатмалар бугунги кунгача ишлаб чиқилмаган. Қўлимиздаги манбаларда гастродуоденал яра перфорацияси муносабати билан ўтказилган операциядан сўнг беморларнинг натижалари жарроҳлик усулига қараб солиштирма таҳлил қилинмаган. Шунинг учун мазкур тадқиқот айнан шу масалаларни замонавий тиббий ускуналар ва диагностика усуллари асосида ечишга қаратилган.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** — «Тадқиқот материаллари ва усуллари» — 2019–2023 йиллар давомида Навоий филиали РШТТЁМ перфоратив гастродуоденал яра билан операция қилинган 152 нафар беморнинг маълумотлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг ёши 18 ёшдан 67 ёшгача бўлиб, ўртача ёш $35,7 \pm 15,4$ ёшни ташкил этган. Улардан 137 нафари (90%) меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар бўлган. Жинс бўйича тақсимотда 25 нафар (16,5%) аёл ва 127 нафар (83,4%) эркак беморлар ташкил этган. Барча беморлар шошилинич ҳолатда шифохонага ётқизилган. Операция усулига қараб беморлар асосий ва назорат гуруҳларига ажратилган. Миниинвазив усуллар билан даволанган беморлар умумий 116 нафар бўлиб, улар шартли равишда асосий ва таккослаш гуруҳларга бўлинган.

Таккослаш гуруҳни 61 нафар (52,6%) бемор ташкил этган бўлиб, уларга лапароскопик тикиш амалга ошириш орқали перфоратив ГЯни ёпиш амалиёти қўлланилган. Бу гуруҳдаги айрим беморларда лапароскопик усулда даволаш босқичига ўтиш имкони бўлмаган. Сабаблар қуйидагилар бўлган: яра билан лапароскопик тикиш учун «қулай бўлмаган» локализацияси, тешикнинг 1 см дан катта бўлиши, яра атрофида зич периульцероз инфильтрат, операция зонасидаги битишма жараёнлари, ичак парезига хос симптомлар билан кечувчи кенг тарқалган перитонит.

Асосий гуруҳга кирган 55 нафар беморда мини-доступ орқали перфоратив гастродуоденал ярани тикиш амалга оширилган. Уларда лапароскопик усулда даволаш босқичига ўтишда қуйидаги қийинчиликлар кузатилган: 15 нафар (27,2%) беморда яра билан лапароскопик тикиш учун ноқулай жойлашганлиги — хусусан, кичик эгирлик яқин жойлашганлиги қайд этилган. 14 нафар (25,4%) беморда тешикнинг диаметри 8–10 мм дан ошган. 9 нафар (16,3%) беморда перфорация соҳасида зич инфильтрат ва тешикнинг 0,8 см дан катта бўлиши туфайли, чоклар чуқур қўйилиши талаб этилган, бундай ҳолатни лапароскопик усулда амалга ошириш имконсиз бўлган. 14 нафар (25,4%) беморда яра четларида яллиғланиш билан боғлиқ кучли инфильтрация аниқланган, лапароскопик тикиш пайтида чок йиртилиши кузатилган, бу эса тикувнинг герметиклигини таъминлаш имконини шубҳа остига қўйган ва натижада мини-кесимга ўтишга қарор қилинган. 3 нафар (5,4%) беморда диагностика лапароскопия пайтида пилородуоденал соҳага етиш имконини чекловчи кучли висцеропариетал уланишлар аниқланган ва бундай ҳолатларда ҳам яра мини-кесим орқали муваффақиятли тикилган.

Видеоассистентли мини-кесим орқали тикиш амалиётини қўллаш учун кўрсатмалар сифатида тарқалган перитонит ва паралитик ичак тутилиш белгилари мавжуд эмаслиги, перфорацион тешикнинг аъзонинг олд деворида жойлашганлиги, яра билан лапароскопик тикиш учун ноқулай локализацияда жойлашиши, операция зонасида ифодаланган битишма жараёни, ярали


касалликнинг бошқа асоратларига оид анамнез, клиник, эндоскопик ва лапароскопик белгиларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек перфорация соҳасида онкологик жараён белгилари аниқланмаганлиги ҳисобланди.

Ушбу кузатув даврида ГЯ тешилиши билан 21 нафар беморга ошқозон резекцияси амалиёти ўтказилди. Асоратлар табиатига кўра, беморлар кўйидагича тақсимланди: тешилган яранинг ошқозон чиқиш қисми стенози билан биргаликда учраши 10 ҳолатни, тешилган ошқозон яраси ва ярадан қон кетиши 3 ҳолатни, ошқозоннинг орқа деворидаги яранинг ошқозон ости безига пенетрацияси 3 ҳолатни, ўн икки бармоқ ичак пиёзча қисми гигант яраси (диаметри 5 смдан ортик) 2 ҳолатни, ошқозон кичик эгрилигидаги яранинг малигнизация билан бирга кечиши 3 ҳолатни ташкил этди.

Перфоратив ГЯ ҳолатида 15 нафар беморга ваготомия ва пилоропластика амалиёти бажарилди. Ошқозонни дренажловчи операцияларга кўра, беморлар кўйидагича тақсимланган: селектив ваготомия ва Гейнеке-Микулич усулидаги пилоропластика 9 беморда, тана ваготомияси ва Финней усулидаги пилоропластика 4 беморда, тана ваготомияси ва Жабуле усулидаги пилородуоденал анастомоз 2 беморда амалга оширилган.

Перфоратив ГЯли беморларни текшириш усулига умумклиник, лаборатор, рентгенологик, ультратовуш ва эндоскопик методлар киритилган. Барча беморларга рентгенологик текширув ўтказилган. Қорин бўшлиғи аъзоларининг умумий рентгеноскопияси бемор горизонтал ҳолда бажарилган. Унинг натижаларига кўра, эркин газнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек паралитик ичак тутилиши белгилари аниқланган. Эркин газ белгилари 98 беморда (84,5%) кузатилган (1 расм), шулардан 5 беморда (4,3%) паралитик ичак тутилиши белгиси аниқланган. 27 беморда (23,3%) эркин газ визуаллаштирилмаган, бундай ҳолларда текширувлар давом эттирилган.

Ультратовуш текшируви 86 нафар беморга (74,2%) қўлланилган. Бу перфоратив ГЯни қорин бўшлиғидаги бошқа шошилиш касалликлардан фарқлаш, экссудат тарқалишини баҳолаш ва паралитик ичак тутилиши белгиларини аниқлаш мақсадида ўтказилган. Бунда қорин бўшлиғининг барча бўлимларида кўп миқдорда экссудат, ичак ҳалқаларининг кенгайиши (2 диаметрдан ортик), маятниксимон ҳаракатлар, ичак деворларининг қалинлашиши каби белгилар аниқланган (2 расм).



1-расм. Рентгенологик текширув. Эркин газнинг мавжудлиги – гастродуоденал яранинг тешилиши белгилари



2-расм. УТТ. Қорин бўшлиғининг барча бўлимларида катта миқдорда суюқлик йиғилиши, ингичка ичак равоқларининг кенгайиши, маятниксимон ҳаракати, ингичка ичак деворларининг қалинлашиши

УТТ текшируви ALOKA-SSD- α 10 аппаратида амалга оширилган. Рентгенологик ва УТТ аниқланган паралитик ичак тутилиши белгилари мининвазив аралашувларга қарши кўрсатма ҳисобланган. Бу белгилар тарқалган перитонит борлигини ва перфоратив ГЯни видеоассистентли тикиш билан даволаш имкони йўқлигини кўрсатган. 113 беморда (97,4%) перитонит қайд этилган, уларга перфоратив гастродуоденал ярани тикиш амалиёти бажарилган. 67 беморда (57,7%) перитонит маҳаллий, 47 беморда (40,5%) диффуз, 9 беморда (7,7%) тарқалган кўринишда бўлган.

Эзофагогастродуоденоскопия 26 беморга (22,4%) PENTAX EG-2970K фирмаси аппарати ёрдамида ўтказилган. Усул яра жойлашуви, ўлчами, комбинацияланган асоратлар (ошқозон чиқиш қисмининг стенози, қон кетиши) мавжудлигини аниқлашга имкон берди. Яра нуқсонининг жойлашувига кўра, беморларнинг аксариятида ўн икки бармоқли ичак пиёзчасининг олдинги деворида перфоратив яра аниқланди - 23 нафар бемор (расм 3).


1 нафар беморда ўн икки бармоқли ичак пиёзчасининг орқа деворида қон кетиши давом этаётган "кўзгу" яраси ва унинг олд деворида тешилган яра аниқланди. 2 нафар беморда фиброгастродуоденоскопияда қон кетиши билан бирга перфоратив ошқозон яраси аниқланди. Перфоратсиянинг тўғридан-тўғри белгиларини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда, ушбу патологиянинг билвосита белгилари аниқланди: - ҳаво инсуфлятсиясида оғриқнинг кескин кучайиши; - жигар тўмтоқлигининг йўқолиши; - пневмоперитонеумнинг пайдо бўлиши. Агар билвосита белгиларни аниқлаш имкони бўлмаса, қайта рентген текшируви ўтказилган. Қорин бўшлиғида эркин газ пайдо бўлганда ташхис тасдиқланган деб ҳисобланган.

24 (20,9%) беморда қайта рентгенологик текширувдан сўнг ташхис тасдиқланмаганда, аралашувнинг даволаш босқичига ўтиш имконияти билан диагностик видеолапароскопия ўтказилди.

Ушбу усул перфоратив гастродуоденал ярани узил-кесил аниқлаш ёки рад этиш имконини берди. Патология мавжуд бўлганда, яранинг жойлашуви, ўлчами, периулсероз инфильтратнинг ифодаланиши ва перитонитнинг тарқалиши аниқланди (4-расм).



3-расм. ЭГДС. 12-бармоқ пиёзча қисми олдинги деворида яранинг тешилиши



4-расм. Лапароскопия. 12-бармоқ ичак пиёзча қисми яранинг тешилиши.

Юқорида санаб ўтилганлар мини-кесма орқали перфоратив ГЯ тикиш имкониятини аниқлашга ёрдам берди. Биз ушбу муолажага хос бўлган бирорта ҳам асоратни қайд этмадик. Видеолапароскопиянинг ахборотлилиги анча юқори бўлиб, у аниқ ташхис қўйишга, баъзи ҳолларда эса қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир жарроҳлик патологиясини инкор этишга имкон берди.

Лаборатор тадқиқотлар перфоратив ГЯ билан ёки унга шубҳа билан шифохонага ётқизилган барча беморларга ўтказилди. Яллиғланиш реакциясини баҳолаш мақсадида умумий ва биохимик қон таҳлиллари бажарилди. 112 нафар беморда (96,5%) лейкоцитлар сони ошгани қайд этилди.

Яранинг гистологик текшируви 33 нафар беморда (28,4%) ўтказилди. Улардан 15 нафар беморда (13,9%) биопсия ФГДС вақтида амалга оширилди, бу ҳолатларда ошқозон ярасининг малигнизацияланган перфорациясига шубҳа бор эди. 9 ҳолатда (7,7%) ошқозон аденокарциномаси аниқланган, шундан сўнг субтотал резекция амалга оширилган. 6 ҳолатда (5,1%) гистологик равишда ошқозоннинг сурункали яраси тасдиқланган, бундан сўнг Бильрот-II усули бўйича ошқозон резекцияси ўтказилган.

19 нафар беморда (16,4%) перфоратив ярани интраоперацион биопсия қилиш орқали жарроҳлик аралашув ҳажмини аниқлашга қаратилган. 15 ҳолатда (12,9%) микроскопик таҳлилда ўн икки бармоқ ичакдаги ўткир яра белгиси аниқланган. Ушбу беморларга яранинг тикилиши ва эрадикацион терапия ўтказилган. 5 беморда (4,3%) гистологик таҳлилда сурункали яранинг манзараси қайд этилган (биопсия материалида тўқималарда детрит, парчаланган лейкоцитлар ва гистио-лейкоцитар инфильтрация аниқланган), бу беморларга ярани кесиб олиб ташлаш ва пилоропластика амалиёти бажарилган.


61 нафар беморда перфоратив гастродуоденал ярани лапароскопик тикиш амалга оширилди. Лапароскоп параумбиликал нуқтада, сўнгра киндик даражасида ўнг ва чап ўрта ўмров чизиқлари бўйлаб иккита манипуляцион троакар киритилди. Қўшимча 4-троакар ханжарсимон ўсимта остида жойлашган бўлиб, у ретрактор ёки аспиратор-ирригатор найчасини киритиш учун хизмат қилган. Игна ушлагич шундай ўрнатилдики, унинг жойлашуви ўн икки бармоқли ичак ёки ошқозоннинг бўйлама ўқи бўйлаб игна санчишни осонлаштиради. Шунинг учун танланган нуқта мезогастрал соҳанинг ҳам ўнг, ҳам чап ярмида бўлиши мумкин. Чок учун яра четидан 6-8 мм масофада санчиш ва суғуриб олиш имконини берувчи игна ишлатилди. Нуқсон П-симон, 8-симон ёки алоҳида тугунли чоклар билан тикилди (5-расм). Чокнинг герметиклиги зонд орқали ошқозонни ҳаво билан шишириш орқали текширилди. Чоклар устидан катта чарви толаси маҳкамланди (6-расм). Операция қорин бўшлиғини синчковлик билан санация қилиш ва ўнг томондаги жигар ости бўшлиғига, шунингдек, зарурат бўлганда қорин бўшлиғининг қия жойларига дренажлар ўрнатиш билан якунланди.

Перфоратив ярани видеоассистентлик ёрдамида тикишда 55 нафар беморда биринчи босқич сифатида эндовидеолапароскопия бажарилди. Бундай босим диагностик лапароскопия ва қорин бўшлиғини адекват санация қилиш имконини бергани учун бутун операция давомида интраабдоминал

босим 10–12 мм сим. уст. даражасида сақлаб турилди. Троакарларни киритиш учун куйидаги нуқталардан фойдаланилди: лапароскоп учун (10 мм.ли троакар) киндик ҳалқасидан 1,0–2,5 см юқоридан; ўнг мезогастрал соҳада ўрта ўмров чизиғи бўйлаб қовурға ёйи четидан 3,0–5,0 см пастдан (аспирацион-ирригацион тизим учун) ва чап мезогастрал соҳада ўрта ўмров чизиғи бўйлаб (аспирацион-ирригацион тизим учун).



5-расм.
Лапароскопик усулда
дефектни алоҳида
тугунли чоклар билан
тикиш



6-расм. Катта чарви
тўқимаси фиксацияси



7-расм. «Мини-
Ассистент»
инструментлари
тўплами

Тешилган ярани минилапаротом усулда тикиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, қорин бўшлиғи синчиклаб санація қилинди. Фибрин қопламалари, имкон қадар, ҳар 5 мм ораликда қисқич киритиш орқали олиб ташланди. Дренажларни ўрнатиш учун троакар кириш йўлларида фойдаланилди. Ўнг қовурға ости ва зарурат туғилганда кичик чанок дренажланди. Операциянинг лапароскопик босқичини бажаргандан сўнг, асбоблар олиб ташланди, пневмоперитонеум олиб ташланди. Перфоратив яра проекциясида қийшиқ "мини-кириш" қовурға равоғидан 1-3 см пастда, ўрта чизикдан тахминан 5 см ўнгга чекиниш билан ёки ўнг қовурға равоғидан 2-4 см пастда ва ўрта чизикдан 5 см ўнгга чекиниш билан 3-6 см узунликдаги вертикал трансректал кесим амалга оширилди ва "мини-ассистент" асбоблар тўплами ўрнатилди (7-расм). Перфоратив тешиқни тикиш атравматик игнада бир қаторли тугунли чоклар билан амалга оширилди ва ошқозон пилорик қисмининг стенозини олдини олиш мақсадида, тикиш ошқозоннинг перпендикуляр ўқи бўйлаб амалга оширилди.

Диссертациянинг **учинчи боби «Перфорация билан асоратланган гастродуоденал яраларнинг жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари»** деб номланган. Перфоратив гастродуоденал ярани лапароскопик тикиш операциясининг давомийлиги 40 дақиқадан 150 дақиқагача бўлиб, ўртача давомийлик $62,8 \pm 3,9$ дақиқани ташкил этган.

Операциядан кейинги биринчи суткадаги оғриқ синдроми Wong-Baker шкаласи бўйича баҳоланганда, суткалик баллар йиғиндиси 2 дан 7 гача бўлган, ўртача $4,3 \pm 0,5$ баллни ташкил этган. Назорат гуруҳи беморларининг стационарда ётиш муддати 3 кундан 12 кунгача бўлиб, ўртача $7,5 \pm 0,3$ кунни ташкил этган. Видеоассистентли мини-кесим орқали операцияни ўтказиш давомийлиги, усулни ўзлаштириш босқичларида 70–110 дақиқани ташкил этган, тажриба ортган сари операция вақти 40–60 дақиқагача қисқарган. Мини-

кесим орқали перфоратив гастродуоденал яранинг комбинацияланган тикилиши операциясининг ўртача давомийлиги $45,4 \pm 3,2$ дақиқани ташкил этган.

Wong-Baker шкаласи бўйича оғриқ синдроми баҳоланганда, мини-кесим орқали перфоратив гастродуоденал яра тикилган беморларда суткалик баллар йиғиндиси 3 дан 8 гача бўлиб, ўртача $6,3 \pm 0,7$ баллга тенг бўлган. Мини-кесим орқали тикиш амалга оширилган беморларда, операциядан кейин тана ҳароратининг нормаллашуви 1 кундан 8 кунгача ўзгариб турган, ўртача $3,9 \pm 0,6$ суткада нормаллашган. 8 нафар (14,5%) беморда, мини-кесим орқали перфоратив гастродуоденал яра тикилганидан кейин ичак парези ривожланган, у ўртача 2 сутка давом этган. Бу гуруҳдаги беморларда назогастрал зонд орқали кўп миқдордаги суюқлик ажралиши кузатилган. Парез белгилари одатда 3-кунда йўқолган. Қолган беморларда перистальтика операциядан кейинги 6–12 соат ичида тикланган. Жами 116 нафар беморда миниинвазив усулда перфоратив гастродуоденал яра тикилгач, яқин операциядан кейинги даврда 12 та ҳолатда (10,3%) асоратлар ривожланган. Қорин бўшлиғида абсцесс ривожланиши 2 ҳолатда (1,7%) кузатилган. Барча ҳолатларда абсцесс УТТ назорати остида пункция ва дренаж қилиш орқали бартараф этилган. Тикилган яранинг нобарқарорлиги 5 (4,3%) ҳолатда қайд этилган, шулардан 3 (2,6%) ҳолатда мини-кесим орқали, 2 (1,7%) ҳолатда лапароскопик тикишдан кейин рўй берган. Асосий гуруҳ беморларига Бильрот-II усулида ошқозон резекцияси билан релапаротомия ўтказилган. Назорат гуруҳидаги беморларга Джабуле усулида пилоропластика билан яранинг кесиб олиниши ва релапаротомия амалга оширилган (1-жадвал).

1-жадвал

Перфоратив гастродуоденал ярани тикиш турига қараб жарроҳликдан кейинги асоратлар

Асорат тури	Лапароскопик усулда ПГДЯ тикиш	Мини-кесим орқали ПГДЯ тикиш
Қорин бўшлиғида абсцесс	-	2 (1,7%)
Тикиш нуқсони	2 (1,7%)	3 (2,6%)
Яранинг яллиғланиши	-	1 (0,8%)
Эвентрация	-	2 (1,7%)
Эрта ичак битишмали тугилиши	-	2 (1,7%)
Жами	2 (1,7%)	10 (8,6%)

36 беморга кўрсатмалар бўйича радикал операциялар бажарилган. Жами 21 беморда ошқозон резекцияси амалга оширилган. Ошқозоннинг 2/3 қисмини Бильрот-I усулида резекция қилиш 3 нафар беморга амалга оширилди. Ушбу резекция турининг кам қўлланилиши, пилородуоденал ўтиш соҳасида кучли яллиғланиш инфильтрациясининг мавжудлиги билан изоҳланади, бундай ҳолатда техник жиҳатдан бу операцияни бажариш қийин бўлади. Бильрот-II усулида ошқозон резекцияси 18 нафар беморда бажарилган.

Энг кўп асоратлар Бильрот-II усулидаги резекциядан кейин кузатилган — 4 беморда (19,1%). Умуман олганда, ошқозон резекциясидан кейин 5 беморда (23,8%) асоратлар ривожланган.

Гастроэнтероанастомознинг нобарқарорлиги 1 беморда қайд этилган, бу ҳолат Бильрот-II усулидаги ошқозон резекциясидан сўнг кузатилган. Бунда беморда ўн икки бармоқ ичак пиёзча кисмининг гигант тешилган яраси ва тарқалган фибриноз-йирингли перитонит мавжуд бўлган.

Перфоратив яра билан ўтказилган радикал операцияларнинг яқин натижалари 5 ҳолатда (23,8%) эрта асоратлар билан характерланган. Асосий асоратлар сони Бильрот-II усулида ошқозон резекцияси қилинган беморлар гуруҳида кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Резекция турига қараб операциядан кейинги асоратлар (n=21)

Асорат тури	Бильрот-I буйича ошқозон резекцияси	Бильрот-II буйича ошқозон резекцияси
Қорин бўшлиғи абсцесси	-	1 (4,7%)
Анастомоз етишмовчилиги	-	1 (4,7%)
Яранинг йиринглаши	-	1 (4,7%)
Ўткир панкреатит	1 (4,7%)	1 (4,7%)
Жами	1 (4,7%)	4 (19,1%)

Перфоратив гастродуоденал яраси бор ва турли хил пилоропластика усуллари билан органи сақловчи операция ўтказилган беморлар (n=15) даволаш натижаларини таҳлил қилар эканмиз, шундай хулосага келдикки, даволаш самарасига беморларнинг ёши, касаллик бошланган пайтдан операциягача бўлган вақт, ҳамроҳ патологиянинг ифодаланганлиги, перитонитнинг даражаси ва тарқалиш кўлами, шунингдек яравий анамнезнинг давомийлиги таъсир қилган. Операция қилинган беморлардан жами 3 (20%) беморда асоратлар ривожланган. Қорин бўшлиғида абсцесс 1 беморда кузатилган. Чокларнинг ушламаслиги 1 беморда, Джабуле усули бўйича пилоропластикадан сўнг аниқланган, бу ҳолат операциядан кейинги кунда навбатдаги текширувида қайд этилган. Беморга фавқулодда кўрсатмалар бўйича Бильрот-II усулида ошқозон резекцияси амалга оширилган

Тўртинчи боб «Перфорация билан асоратланган гастродуоденал ярали беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини солиштирма таҳлили ва баҳолаши»га бағишланган. Биз перфоратив гастродуоденал ярани тикиш операциясини ўтказган беморларнинг кечки натижаларини 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатда солиштириб таҳлил қилдик. Умумий 84 нафар бемор (72,4%) узоқ муддатли кузатувга олинди. Видеоассистентли мини-кесим орқали комбинацияланган тикиш ўтказилган беморлар сони 40 нафар (72,7%), лапароскопик тикиш ўтказилганлар 44 нафар (72,1%)ни ташкил этди.

